

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**XIX асрнинг охири ва XX асрининг бошларида
Туркистонда педагогик фикрлар тараққиёти**

Самарқанд - 2007

Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта ва
махсус таълим вазирлиги

Алишер Навоий номидаги Самарқанд
давлат университети

ХІХ АСРНИНГ ОХИРИ ВА ХХ АСРНИНГ БОШЛАРИДА
ТУРКИСТОНДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

(Педагогика тарихи фанидан услубий тавсиялар)

С а м а р қ а н д - 2007

ХІХ асрнинг охири ва ХХ асрнинг бошларида Туркистонда педагогик фикрлар тараққиёти. -Самарқанд, СамДУ нашри, 2007. -бет.

Мазкур услубий тавсияномада ХІХ асрнинг охири ва ХХ асрнинг бошларида Туркистондаги янги ташкил топган ўқув муассасаларида талим-тарбия жараёнининг қандай амалга оширилганлиги ва шу даврдаги баъзи педагогларнинг маърифий фаолиятлари баён қилинади.

Тузувчи: п.ф.н. доц. С.Ўтаназаров
Такризчилар: п.ф.н. доц. Б.Муронов
п.ф.н. А.Абдуманонотов

СамДУ услубий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган

Кириш

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз она тилига, тарихига, маданиятига, миллий қадриятларини ўрганишга, бир сўз билан айтганда ўзлигини англашга бўлган қизиқиши ва интилиши ортиб бормокда. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Одамзод борки, авлод - аждоди кимлигини, насл - насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди”.

Дарвоқе, мустақиллик шарофати билан тоталитар-мустамлака тузуми даврида унутилган, камситилган бой тарихимиз, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни тиклаш имкониятлари яратилди.

Ҳар бир мустақил давлатнинг келажаги унинг илм-фан тараққиёти ҳамда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифа қилиб қўйилди.

“Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул инқирозга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл - заковатли, маънавийатли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди”, дейди муҳтарам Прэзидентиимиз Ислоҳ Каримов.

Шу боисдан, таълим - тарбия соҳасида янги усулларни ўйлаб топишни, ота - боболаримиздан мерос бўлиб қолган, миллий қадриятларни ўрганишни ва улардан фойданишни давр тақозо этаяпти. Шу мақсадда ушбу тавсияда XIX аср охори ва XX асрнинг бошларида Туркистонда вужудга келган турли типдаги ўқув муассасалари фаолиятининг баъзи жиҳатлари ёритилган.

Биринчидан, ушбу тавсия бўлғуси ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда, талабалар “Педагогика тарихи” курси бўйича амалиётда қўллаётган дарсликларда батафсил ёритилмаган маълумотларга эга бўладилар, иккинчидан улар XIX аср охири ва XX аср бошларида юзага келган мактаблардаги таълим - тарбия ишлари билан назарий жиҳатдан танишиб, ўзларининг бўлғуси педагогик фаолиятларида ўша давр таълим - тарбиясининг илғор усул ва методларидан амалий жиҳатдан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек ушбу тавсиядан “Педагогика тарихи” бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган магистрлар, аспирантлар, тадқиқотчилар ҳамда мазкур фандан дарс бераётган ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

РУС ГУБЕРНАТОРЛАРИНИНГ МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ДАСТЛАБКИ СИЁСАТИ. ТУРКИСТОНДА ГИМНАЗИЯ ВА СЕМИНАРИЯЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ

Дастлабки пайтларда рус губернаторлари Туркистондаги диний мактабларнинг ўқитиш тизмига аралашмаслик сиёсатини тутишди, чунки улар аҳолини тобеликда сақлашда мусулмон мактабларининг таъсир доираси жуда катта эканлигини англаб етишган эди. Шунинг учун маҳаллий аҳолини ҳар томонлама қаноатлантирадиган янги типдаги ўқув муассасалари очиш ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш чор ҳукуматининг асосий мақсадига айланди. Шу муносабат билан 1870 йили генерал - губернатор Бордовский раҳбарлигидаги махсус комиссия тузилиб, у Туркистон ўлкасидаги таълим - тарбия муассасаларининг аҳволи ва ўқитиш мазмунини ўзгартириш борасида иш бошлаб юборди. Комиссия қуйидаги ўқув муассасаларини тузиш лозим деб топди:

- а) Тошкентда умумий асосларга кўра маҳаллий миллат болалари ўқий оладиган эркаклар гимназиясини очиш;
- б) маҳаллий тида ўқитиладиган уч йиллий ўқитувчилар семинарияси тузиш;
- с) семинария қошида бошланғич мактаб очиш;
- д) рус, ўзбек ва қозоқ болаларининг ўқиши учун касб - ҳунар синфлари мавжуд бўлган тўрт йиллик умумий таълим уезд ва халқ мактаблари очиш.¹

Бу лойиҳа қисман ўзгартирилган ҳолда 1875 йилда тасдиқ этилди ва шу йилнинг ўзидаёқ бундай типдаги ўқув муассасалари ўлканинг баъзи жойларида ўз фаолиятларини бошлади. Албатта бунга қадар ҳам руслар ўзларининг болалари учун мактаблар ташкил қилиб, Русиядаги ўқитиш тизимини Туркистонда қўллай бошлаган эди. Жумладан, бундай мактаблар 1866 йил Тошкентда, 1870 йил Самарқандда очилади.

Лойиҳага асосан ўлкада эркаклар ва хотин - қизлар учун прогимназиялар ва гимназияларнинг очилиши билан Туркистон маориф тизими янги бир босқичга кўтарилади. Гимназия ва прогимназияларнинг очилиши билан ўлкадаги азалдан мавжуд бўлган педагогик ғоялар, қарашлар ва тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган педагогика фани ҳам Туркистонда пайдо бўлди.

Гимназия ва прогимназияларда педагогикани махсус фан сифатида ўқитилиши ўз навбатида маҳаллий халқ болаларига ҳам таълим - тарбия жараёнининг қонун - қоидалари билан танишишга имкон яратди. Албатта гимназияларда ўқитиладиган фанларнинг, шу жумладан педагогика фанининг ҳам мазмуни ҳукмрон синф манфаатларига мослаштирилган эди. Шундай бўлса-да, маҳаллий миллат кишилари учун педагогикани руҳшунослик фани билан бирга қўшиб ўрганиш катта аҳамиятга эга эди.

Ҳозирги замон мактаблари ҳам педагогикани руҳшунослик билан бирга ўтиш лозимлигини талаб қилаётганлиги туфайли, биз қуйида биринчи Тошкент хотин - қизлар гимназияси еттинчи синфининг иккинчи бўлими учун педагогика ўқитувчиси Панков томонидан Демков педагогика дарслиги асосида тузилган педагогика дастурини айнан келтирамиз. Бу дастур 20 мавзудан иборат бўлиб, неча соат ўтилиши кўрсатилмаган.

¹. В.Т.Качаров “Из истории народного образования в туркестанском крае”. Рос. издат.-Т.,1959. с.27.

1-мавзу: Педагогиканинг таърифи.

Тарбия тўғрисида тушунча. Педагогикага ёндош фанлар. Педагогикани бўлиниши. Педагогик атамалар.

2-мавзу: Жисмоний тарбия.

Жисмоний тарбиянинг вазифаси: нафас олиш, болалар хонаси, тоза ҳаво, кийим, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний машқлар, гимнастика, сайр қилиш ва экскурсия.

3-мавзу: Руҳшуносликнинг таърифи.

Руҳий ҳолатларнинг бир - биридан фарқи. Руҳий ҳолатларнинг классификацияси.

4-мавзу: Сизги органлари.

Тери сезгиси, таъм - маза, ҳид билиш сезгиси, эшитиш, кўриш сезгиси, сезги органларини ҳимоя қилиш. Сизгининг бўлиниши ва аҳамияти.

5-мавзу: Сизгининг руҳий томонлари. Идрокнинг ўсиши ва сезги органларини тарбиялаш. Тасаввур.

6-мавзу: Тасаввур асосида, ёндошлик ва ўхшашлик, контрастлик. Диққат. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат. Диққатни тарбиялаш.

7-мавзу: Хотира ва унинг турлари. Хотирани тарбиялаш. Ҳаёл. Ҳаёлни тарбиялаш.

8-мавзу: Ҳиссиёт. Унинг пайдо бўлиши. Оддий ва мураккаб ҳиссиётлар. Аффектлар.

9-мавзу: Ғоявий, эстетик, ахлоқий, диний ҳислар.

10-мавзу: Ирода тўғрисида тушунча.

Ирода элементлари. Одат, орзу - ҳавас, характер, темперамент. Характерни тарбиялаш.

11-мавзу: Болалар психологияси.

Ақлнинг ривожланиши. Ироданинг ўсиши. Ҳиссиётнинг ўсиши.

12-мавзу: Тарбия ва маълумот. Тарбия оламининг бирлиги.

13-мавзу: Болаларда бошланғич ақлий тараққиёт.

14-мавзу: Эстетик тарбия тўғрисида тушунча ва унинг вазифаси.

Бошланғич эстетик тарбия ва мактаб.

15-мавзу: Иродани тарбиялаш. Одат ва тақлидчилик қонуни. Ироданинг элементар тарбияси.

16-мавзу: Ҳиссиётни тарбиялаш.

Болалик давридан ахлоқий, диний тарбия бериш.

17-мавзу: Дидактика.

Дидактиканинг таърифи. Махсус ва умумий маълумот. Умумий таълим курсининг таркиби.

18-мавзу: Дидактик қоидалар.

Ўқув материаллари ва фанларни ўқитиришга қизиқтириш. Ўқишнинг акраматик ва эритематик шакллари. Акраматиканинг хусусий усуллари. Эритематиканинг хусусий усуллари - катихетика, эвристика, диалог.

19-мавзу: Машқлар. Топшириқлар. Имтиҳонлар. Ўқув режаси ва ўқув дастурлари. Дарс жадвали. Мактабнинг ички тартиб - интизомлари. Рағбатлантириш ва жазолаш тўғрисида маълумот.

20-мавзу: Рус тили услубияти - мактаб таълимида савод чиқаришнинг бошланиши. Товуш усули асосида русча ўқитиш услуби. Болаларни саводга ўргатишда синтетик усуллардан фойдаланиш.¹

Юқорида баён этилган дастурга ҳам диний, ҳам илмий томондан ёндашилган бўлиб, у ҳукмрон синф манфаатини ўзида ифода этишига қарамасдан, ўша давр учун ҳам, ҳозирги вақт учун ҳам муҳим бўлган таълим беришнинг самарали йўлларида бирини ўзида мужассамлаштирганди, яъни унда ўқувчилар педагогика фанини ўрганиш жараёнида болаларнинг вояга етказишнинг омиллари, ўқувчиларни жисмоний, эстетик, ахлоқий ва диний руҳда тарбиялаш, болаларнинг психик хусусиятлари, гигиена ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлшарди.

Рус ўқув муассасалари ҳисобланган гимназияларда ўз даврига нисбатан илғор услублардан, яъни аналитик - синтетик услуб, материалнинг мазмунига оид суҳбат, лекция, иллюстрация ва демонстрация ҳамда бошқа услублардан кенг фойдаланилган. Бу услублар ҳозирги замон таълим услубларидан ўз камчиликлари билан фарқлансада, ўша давр мактаблари учун ижобий таъсир кўрсатувчи услублар шаклида намоён бўлади.

Гимназиялардаги таълим - тарбия иши шўа давр ўзбек маърифатпарвар зиёлиларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шундай маърифатпарвар зиёлиларимиздан бири бўлган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1889 йилда Тошкентга саёҳат қилиб, у ерда очилган муассасаларининг иш фаолиятидан таъсирланиб, “Гимназия”, “Илм хосияти” каби асарларини ёзади. Жумладан, у ўзининг таржимаи ҳолида гимназия тўғрисида шундай деб ёзади: “... ул дарс хоналарида илмдин ва рус луғотида, сарф ва мантиқ, назм ва наср, илми ҳисоб ва лотин тили, юнон тили, немис тили ва фаранг тилида жаҳоннома илми ва тарих тили ва илми ҳикмат ва мусиқа ва тасвир илми ўқиқлар экан”. Фурқат гимназиянинг ички қонун - қоидалари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар беради: “... Гимназия - мадрасида ўқийдиган шогирдлар ҳар куни меъёрлик сабоқларини ўтказиб бўлиб, бадъаз такрор бошқа ҳар хил китоб ўқиқмоққа машғул бўлур эканлар. Гимназияда подшоликдан икки китобхона бўлиб, бири мадраса мударрислари учун ва бири шогирдлар учун эмиш ва ҳам ул мадраса учун бир махсус табиб бор экан. Ҳар куни келиб, шогирдларини кўриб, саломатликлари учун об - ҳаво хусусида кўп диққат кўргузар экан. Градус ном асбоб бирлан гарму сари меъёрини билиб, ўн тўрт даражада иссиқни тутар эканлар. Ҳар куни дарс хоналарини вентилятор ном асбоблар билан равзанини очиб, эски ҳаволарни чиқариб, деразалардаги махсус кичик даричаларини очиб, боғдин тоза ҳаво киргизур эканлар... Хулласул калом, бизлар ул мадрасада ажойиб ва ғаройиб тартибларни кўриб таажжуб қилдик... келиб ўз аҳбобларимизга ул гимназияда кўрган ва эшидганлирмизни баён қилдик, алар ҳам завқланиб кўрмоқ орзусида бўлдилар”.²

Фурқат шу тарзда аввал гимназияда ўқитиладиган фанлар ҳақида, кейин эса ундаги ички тартиб - интизом, санитария-гигиена ҳолатларининг афзалликлари ҳақида гапириб, ўлкадаги мусулмон мактабларини ҳам гимназиялардан намуна олишга чорлайди.

XIX асрнинг охирларида рус губернаторлари томонидан ўлкада очилган семинариялар ўз мазмунига кўра гимназияларга ўхшаб кетсада, улар гимназияларга

¹.Архив УзНИИПН. Опись №1. Ед. хр. 4090. Лист 5.

².М.Баротов. Ўзбекистонда маърифат учун кураш тарихидан. Фан нашриёти. -Т., 1961й, 61-62-бетлар.

нисбатан кўп афзалликларга эга эди. Энг аввало семинарияларда педагогика фани анча мукамал ўқитилар эди. Буни биз семинариянинг ўқув режасидаги педагогика дастурининг тушунтириш хатидан ҳам кўришимиз мумкин. Яъни унда қуйидагича фикрлар баён этилган: “Семинарияда бошқа фанлар орасида педагогика фани илоҳиёт қонунидан кейин биринчи ўинда турмоғи керак. Чунки бу предмет педагогик фаолиятга алоҳида мутахассислар тайёрлайдиган предметдир”.¹

Туркистондаги ўқитувчилар семинарияси Русия имперасиядаги семинариялардан қисман фарқ қилиб, биринчи синфдан тўртинчи синфга ҳафтасига етти соат педагогика фани ўқитилар эди. Русиядаги семинарияларда эса ўқув муддати уч йил бўлиб, иккинчи ва учинчи синфларда ҳафтасига олти соат педагогика фани ўқитилар эди. Худди гимназияларда бўлгани каби семинарияларда ҳам болаларга таълим - тарбия беришда руҳшунослик фанига алоҳида эътибор бериларди. Семинарияларда қўлланиладиган асосий дарсликлар миллийлигимизни акс эттира олмаса-да (Бокнинг Паульсон таржимасидаги “Одам танаси ва унинг ҳаёти”, Деттеснинг “Педагогика амалиёти очерки”, Николаевнинг “Педагогиканинг бош асосларини ўрганишга раҳбарлик”, Еленицкийнинг “Умумий педагогика”, Миропольскийнинг “Дидактика дарслиги”, Струвенинг “Элементар логика” дарслиги ва бошқалар) семинарияда педагогика ва илоҳиётдан ташқари, арифметика, геометрия, физика, табиатшунослик каби фанларнинг ўтилиши ҳамда семинариянинг маълум бир режимга асосан иш олиб боришдан ҳозирги мактабларимиз истиқболини яратишда ҳам ёрдам беради деб ўйлаш мумкин.

Фикримизни тасдиқлаш учун Туркистон ўқитувчилар семинариясининг жамоаси томонидан ишлаб чиқилган режимга тўлиқ келтирамиз.

“Тарбияланувчилар эрталаб олти яримда туришиб, кўрпа - тўшакларини тартибга келтиришади, токи улар ярим соатдан кейин эрталабки намозга тайёр бўлсишлсин

Соат 7 да эрталабки намоз.

Соат 7 дан 15 минут ўтганида тонги саҳарлик.

Соат 7 дан 55 минут ўтгандан то соат II га қадар 3 соат дарс.

Соат II да эрталабки нонушта.

Соат II дан 45 минут ўтгандан то I дан 45 минут ўтганга қадар яна икки соат дарс.

Соат I дан 45 минут ўтгандан то 3 дан 45 минут ўтганга қадар гимнастика, мусиқа ва ашула.

Соат учдан 45 минут ўтганда тушлик овқат.

Соат 4 дан 30 минут ўтгандан то соат 6 га қадар қўл меҳнати, маҳаллий тилдан амалий машғулотлар.

Кеч соат 7 да нон ва чой.

Кеч соат 7 дан 30 минутдан то 10 гача кечки ўқув дарслари.

Соат 10 да кечки намоз.

Соат 10 дан 30 минут ўтганда тарбияланувчилар дам олишга ётадилар.²

Семинарияда бундай тартиб - интизомнинг қўйилиши тарбияланувчиларни ҳар томонлама - режим асосида ишлаши учун қаттиқ талаб қўйилганидан далолат

¹.Архив УзНИИПН. Опись №1. Ед. хр. 4090. Лист 5.

².Архив УзНИИПН. Опись №1. Ед. хр. 4090. Лист 34.

бериб, самарали иш олиб бориш катта аҳамият касб этар эди. Семинарияда ўқувчилар таълим - тарбияга оид назарий билимларни олиш билан бир қаторда, семинария қошида очилганнамунавий билим юртларида амалий машғулотлар зтказиш орқали ўз маҳоратларини ҳам ошира борадилар. Намунавий билим юртлари семинария тарбияланувчиларини мустақил суратда дарс ўтишлари учун ҳам барча зарур шарт - шароитларни яратиб беради. Тарбияланувчилар намунавий билим юрти ўқувчиларидан ўтиладиган мавзуни олиб, ўқитувчи раҳбарлигида атрофлича дарснинг план - конспектини тузишар ва шундан кейингина дарс беришга киришар эдилар. Тарбияланувчилар мустақил ўтган хир бир дарсига предмет ўқитувчилари иштирок этишар ва педагогика дарсида уларнинг ўтган дарслари ўқитувчилар томонидан таҳлил этилиб, уларга зарурий услубий кўрсатмалар берилади.

Умуман семинарияда олиб борилган таълим - тарбия ишлари бир томонданўлкада рус педагогларининг ғояларини тарқатишга катта таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томндан бу тадбирлар Туркистонда педагогика фанини тараққиётига ҳам ижобий ҳисса қўшди.

ТУРКИСТОНДА РУС-ТУЗЕМ МАКТАБЛАРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ. ЎЛКАДА ҒОЯВИЙ КУРАШНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ.

XIX асрнинг 80 - йилларидан бошлаб ўлкани муваффақиятли эгаллаб олган руслар гимназия ва семинарияларидан бирмунча фрак қиладиган рус-тузем мактаблари очишга киришдилар. Бу мактабнинг юзага келишига асосий сабаб чор ҳукуматининг маҳаллий халқлар орасидан таянч шахсларни юзага келтириш, ўзларининг манфаатлари йўлида хизмат қилувчи таржимонлар тайёрлаш, ўлкадаги руслаштириш сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш эди. Дастлабки рус-тузем мактаби 1884 йилнинг 19 декабрь куни Тошкентлик савдогар Саид Азимбойнинг уйида очилади. 1886 йилга келиб эса бундай мактаблар расмий жиҳатдан тасдиқдан ўтади ва шу йилнинг ўзидаёқ 14 та рус-тузем мактаби ишга тушади. Бу рус-тузем мактабларидаги ўқиш муддати 4 йил бўлиб, бу вақт ичида ўқувчилар рус тили, рус қонунлари, математика, ҳунармандчилик ва шариат амалларидан таҳсил олишарди.¹

Рус-тузем мактаблари объектив жиҳатдан олиб қараганда Туркситонда мавжуд бўлган диний мактабларга нисбатан аҳолини кўпроқ ўзига жалб эта бошлади. Шунинг учун ҳам дастлабки пайтларда ўлкада рус-тузем мактбалари ва уларда таҳсил олувчи ўқувчилар миқдори йилдан - йилга ошиб борди. Бу нарсани қуйидаги маълумот ҳам исботлаши мумкин: “1885 йилнинг 1 январида “рус-тузем” мактабларида 39 та ўқувчи бўлган бўлса, 1896 йилнинг 1 январига келиб бундай типдаги мактабларда таҳсил олувчилар сони 650 тага етди”.²

Рус - мактаблари ҳар томнлама маҳаллий бойлар ва йирик савдогарларни қаноатлантирар эди. Шу сабабли ҳам 1900 йилда бир гуруҳ маҳаллий савдогарлар Туркистон генерал - губернатори ва Туркистон ўқув округи бошлиғига илтимоснома билан мурожаат этишиб, Тошкент шахрининг ўзида маҳаллий болаларнинг билим олиши учун 10 та рус - тузем мактаби очиб беришларини

¹. Ҳидояттов Г.А. Моя родная история.-Т.: Ўқитувчи., 1990, с.292.

².Абдуллаев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. Ўрта ва олий мактаб наشريёти.-Т., 1960, 78-бет.

сўрашади. Бу мактаблар болалар билан тўлиб кетишига ҳам маҳаллий савдогарлар ўз илтимосномаларида кафиллик беришади.¹

Рус - тузем мактабларидаги дарсликлар содда ва ихчам кўйринишда бўлишига қарамай, маҳаллий миллат анъаналари ва урф - одатлари, умуман маҳаллий халқнинг ўзига хос хусусиятларидан тамомила йироқда эди. Буни биз қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини қараб чиқиш билан ҳам кўришимиз мумкин: Б.Н.Наливкиннинг 1885 йили нарш эттирган “Азбука для русско-мусульманских школ о населения Туркестанского края” дарслиги, М.М.Оракуловнинг “Самоучитель русского языка для русско-мусульманских школ” номли дарслиги, С.М.Громеницкий томонидан тузилган “Первая книга для чтения”, “Вторая книга для чтения”, “Третья книга для чтения” дарсликлари ва бошқалар. Ушбу дарсликларда қўлланилган услублар ҳозирги давримиз учун етарлича аҳамият касб этса-да (В.Н.Наливкин дарслигида қўлланилган таржима методи, С.М.Громеницкий дарслигидаги расм - кўргазмалардан фойдаланишни биринчи ўринга қўйилиши ва ҳоказо), бироқ бу дарсликларда асосан рус классикларининг асарлари ифода этилган эди. Жумладан: И.А.Криловнинг “Лиса и виноград”, “Мишь и крыса”, “Две бочки”, “Волк и журавль”, “Ворона и лисица”, “Заяц на ловле”, “Крестьянин и работник”, “Зеркало и обезьяна”, “Стрекоза и муравей”, “Мельник” ва бошқа масал ва шеърлари, А.С.Пушкиннинг “Утро”, “Анчар”, “Сказка о рыбаке и рыбке” каби шеърлари ҳамда М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстойларнинг болаларбоп асарлари юқоридаги дарсликлардан жой олганди.

Албатта, ўзбек зиёлилари ҳам рус - тузем мактаблари учун дарсликлар ярата бошладилар. Аммо бундай дарсликлар ўзбек тилида ёзилган бўлсада, миллийлигимизни тўласинча акс эта олмас эди. Рус - тузем мактаблари учун ёзилган дарсликлар жумласига Саидрасул Саидазизовнинг С.М.Громеницкий тавсияси билан 1902 йилда ёзган “Устози аввал” номли ўзбек тилидаги дарслиги мисол бўла олади. Бу дарсликдаги материаллар болаларнинг ёшлик хусусиятларига мослаштирилган бўлиб, унда тарбиявий ҳолатлар ҳам ифода этилган. Бу китобдаги кўп материаллар рус адибларининг болаларбоп асарларидан таржима қилгандир. Жумладан, дарсликда Л.Н.Толстойнинг “Бола ва отаси”, А.И.Криловнинг “Тулки ва узум”, М.Оракуловнинг “Рус ватани”, М.Грименицкийнинг “Ёлгончи чўпон” каби асарлари айнан таржима қилингандир. Шу билан бирга С.Саидазизов ўз дарслигида ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ёрдам берадиган баъзи бир халқ мақолларидан ҳам ўринли фойдаланган. Масалан “Дунёнинг ёруғлиги илм бирла”, “Илмсиз ақл енгсиз кийим”, “Кўп бил, оз сўзла”, “Ўйламай сўзлаган оғримай улур”, “Тилингни сақла, ўзингни чақмасин”, “Ҳар кимни ўзидан улуг кўрмоқ луғликка еткарур”, “Киши бировга хизмат қилса, анга ҳам хизмат қилурлар”, “Нодон қўлида тилло тупроқдир” ва ҳоказолар.² Муаллиф дарслигининг бир бўлимида ҳатто Қуръони карим тўғрисида ҳам фикрлар билдириб ўтган. Рус - тузем мактаблари учун ўзбек тилида ёзилган бошқа дарсликларга Н.А.Бадиновнинг “Суллами аввал”, Мулла Рустамбек ибн Юсуфбекнинг “Таълими аввал”, Али Асқар Қалининнинг “Муаллими соний”, Мулла Муҳаммадрасул

¹М.Баротов. Ўзбекистонда маърифат учун кураш тарихидан.-Т.: Фан. 1961, 16-бет.

²Абдуллаев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. Ўрта ва олий мактаб наشريёти.-Т., 1960, 108-бет.

Расулийнинг “Раҳбари форсий”, “Болалар боғчаси” каби дарсликлари мисол бўла олади.

Рус - тузем мактабларида фойдаланилган ўзбек тилидаги дарсликлар ўлкадаги педагогик ғояларнинг ривожланишига самарали таъсир этсада, уларда маҳаллий халқ болаларига, айниқса меҳнаткашларнинг болаларига, айниқса меҳнаткашларнинг болаларига таълим - тарбия бериш тўғрисида ҳеч бир фикр баён этилмагандир. Буни ўша давр дарсликлариниатрофлича таҳлил этган Йўлдош Абдуллаевнинг берган маълумотларидан ҳам кўриш мумкин: Масалан у киши С.Саидазизовнинг “Устози аввал” дарслиги тўғрисида шундай дейди: “... у меҳнаткашлар оммасининг қандай оғир ҳаёт кечирганлаги, меҳнаткашларнинг болалари ўқиши учун имконият йўқлиги ҳақида чурқ этмайди”.¹

Рус - тузем мактабларидаги таълим - тарбия ишлари маҳаллий халқ манфаатларини намоён этмаганлиги ўз навбатида Туркистон ўлкасидаги сиёсий қарама - қаршиликларни келиб чиқшига олиб келди. Рус губернаторларининг босқинчилик сиёсатини англаб етган маҳаллий халқ орасида миллий озодлик ҳаракати бошлаб юборилди.

Рус - тузем мактабларидаги таълим мазмуни маҳаллий аҳолини ўзига жалб эта олмаганлигига қарамасдан, эски диний мактаблардан ҳар томонлам афзал бўлган таълим -тарбия усулларининг руслар томонидан ўлкада қўлланила бошлаши ҳамда рус - тузем мактаблари учун дастлабки ўзбек тилидаги дарсликларнинг яратилиши ва ўқитиш жараёнида таълим беришнинг қадимий бўғин (хижо) услубидан товуш услубига ўтилиши жқда катта аҳамиятга эга бўлди.

1905 ЙИЛГИ РУС РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОН МАОРИФИГА КЎРСТАГАН ТАЪСИРИ

1905 йилнинг феврал ойида бўлиб ўтган Россиядаги буржуа революцияси Туркистон ўлкасидаги маориф тизими ҳам жуда тушкин бир аҳволга кириб қолди. Ўлкадаги маҳаллий зиёлилар ўзларининг сиёсий ва ғоявий дунёқарашларига кўра учта йирик гурҳга бўлиниб кетди. “Қадимийлар” номини олган диний уламолар ҳар қандай илғор усулга қарши чиқишиб, эскича ўқитиш ғояларини тарғиб этишарди. Бундай уламоларга Аҳмадхўжа Эшон (Туркистон мадраси мударриси), Файзулло Ваҳобқори (Қўқонлик руҳоний) ва Муфтизода (Бухоролик руҳоний) бошчилик қилишарди.

Иккинчи тоифа зиёлилар пролетар инқилоби тарафдорлари ҳисобланиб, уларнинг энг кўзга кўринган намоёндалари Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Завкий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедовлар эди.

Зиёлиларнинг учинчи гуруҳи “.усули савтия”нинг жонкуяр аъзолари, ўз маърифатпарварлик фаолиятларини маориф ва маданият соҳаларида ислоҳат қилиш орқали Туркистон халқларининг миллий - маданий онгини ва ижтимоий - сиёсий тафаккурини ўстиришга бағишланган жадиदчилик ҳаракатининг тарафдорлари эди.²

Пролетар инқилоби тарафдорларининг мактаб ва маориф тўғрисидаги қарашлирини Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Абдулқодир Шакурий, Саидахмад Сиддиқий ва Мирзо

¹.Абдуллаев И. Эски мактабда хат-савод ўргатиш. Ўрта ва олий мактаб нашриёти.-Т., 1960, 108-бет.

².М.О.Ғуломов. Ўзбек зиёлиларининг камолоти.-Т.: Ўзбекистон, 1992, 12-бет.

Хайрулло Қуконийларнинг фаолиятлари билан танишган ҳолда баён қилиниши лозим деб топдик.

Русия ўлкасидаги маърифатпарварлик ва педагогик ғоялар остида шаклланган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий энг аввало ўлкада рус педагогик ғояларини тарғиб қилувчи инқилоб куйчиси сифатида майдонга келди. Ҳамзанинг педагогик қарашлари пролетар маданияти манфаатини ифода этишига ҳам ўлкадаги рус олимлари А.А.семёнов, В.Н.Наливкин, М.Андреев, С.Громеницкий, А.Орлов ва бошқалар сабаб бўлишди. Рус олимларининг таъсирида бўлган Ҳ.Ҳ.Ниёзий 1911 йилда маҳаллий миллат болалари таҳсил оладиган мактаб очади. Аммо унинг бу мактабида пролетар инқилоби тарғиб қилингани учун ҳам тез оради, яъни 1913 йилдаёқ мактаб ёпиб қўйилади. Шундан сўнг ҳам Ҳ.Ҳ.Ниёзий ўз ғоявий қарашларидан воз кечмай, қисқа муддатда “Дорилятем”, яъни тарбия уйини очади. Ҳамза ўзи очган мактабларда ўзининг “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби” ва “Қироат китоби” каби дарсликларидан фойдаланади. Ҳамза ёзган бу дарсликлар болаларни ёш хусусиятларига, тилига мос равишда ифода этилгандир. Бундан ташқари, Ҳамзанинг дарсликлари ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этарди. Жумладан, унинг дарсликларида ўқувчиларни ҳалоллик, ростгўйлик руҳида тарбиялаш, очкўзлик ва шухратпарастликка нафрат кўзи билан қараш, ожизларни қўллаб - қувватлаш, сахийлик, мулойимлик ва ўз ишига садоқат, Ватанга муҳаббат, ота - онани ҳурмат қилиш, мардлик, меҳнатни олқишлаш руҳида тарбиялаш масалалари жой олган.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий эътиборидан оила тарбияси ҳам четда қолмаган. У оила тарбияси масалаларига ҳам ўз даврига нисбатан янгича ёндашади. Ҳамза оилада ота - она бола шахсини ҳурмат қилиши, унга жисмоний жазо бермасликлари лозимлигини уқтириб “Жисмоний жазо бола қалбини ё разил, ё қайсар, ё жаҳлдор қилиб қўяди”²- дейди. Ҳамза болага ота - она тўғри тарбия беришини кўкларга кўтариб шундай дейди: “Агар ота-оналаримиз бошида яхши тарбия қилган бўлсалар, тилимизни ёлғондан, қулоғимизни фиску - адоватдан, қўлимизни хиёнатдан... шу феъллардан мумкин қадар эҳтиёт қилиб, ўзимизни ётлик, ёлғизликдан қиладиган эринчакликларимизга илтифот қилмай, уришиб, сўкиб, мактаб топшириб илм отлик: саодати... жаҳонга етадиган бир раҳнамоий ҳақиқатга таниш ва ошно қиладиган бўлур эдилар.

Биз шум ва ёмон бўлмас ва ўзлари бу қадар... мингларча пушаймон бўлмасдилар”¹.

Ҳамза болалар тарбиясида ота - оналарнинг тутган ўрни ҳақида ўз дарсликларида ҳам фикр билдирган. Жумладан, унинг “Енгил адабиёт” дарслигидаги “Боланинг ёмон бўлишига сабаб бўлган онанинг жазоси”, “Ҳикоя”, “Тўғри сўз бола” каби педагогик характерда ёзилган мақола ва ҳикояларида ушбу масалага атрофлича тўхталиб ўтилгандир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий болаларга таълим - тарбия беришда ота - оналар билан бир қаторда ўқитувчиларнинг ролини ҳам юксак баҳолайди. Унинг фикрича, ўқитувчи болаларни яхши тарбияламоқ учун ўз касбини сева олиши ҳамда болаларни ҳурмат қила билиши лозим эди. Шу сабабли Ҳамза ўқитувчига хос

¹ А.А.Бобохонов. Ўзбекистонда педагогик фикр таракқиёти тарихидан.-Т.:Ўқитувчи, 1967, 115-бет.

хислатларни тўғри тушуниб, қуйидагича мулоҳаза қилади: “Ҳар жойда ёш болаларни шўхлиги оддий бир ишдир, лекин талабалар, муаллим ҳазратлари тарафиндин танбеҳлар айтилиб, покиза ахлоқ ва асослик адолатлиликдагина тарбия этилиб, муҳаббат ва диққатни жалб қилувчи ишлари ва усуллари ўргатиб изоҳлар этганда эди... йилдан - йилга талабалар минглаб эмас, балки миллионлаб кўпаяр эди”.¹

Қўқонда Ҳамза Ҳакимзода билан бир вақтда пролетар инқилобининг сташин жонкуярларидан Мирзо Хайрулло ўз педагогик фаолиятини бошлайди. “Усули қадимий” ва “Усули савтия” мактабларида ўз саводини чиқарган Мирзо Хайрулло йўқсиллар учун ўз уйида мактаб очади. унинг бу мактабидан ўзбек тилига катта аҳамият берилганлиги, мусулмон мактабларига нисбатан мактабнинг жиҳозланиши ва ўқитиш усуллари устунлиги ўша даврнинг бир қатор зиёлилари эътиборини ҳам ўзига жалб эта бошлайди. Хусусан, ўша даврдаги машҳур шоира Анбар Отин Мирзо Хайруллонинг мактабини тарғиб этиб, қуйидаги шеърини битади:

“Эй болам, Хайруллохон мактаб очибдур, борингиз.

Албатта, шу янги мактабда ўқингиз барингиз,

Ерда ултирмай, хурракда ўтирмиш болалар

Тоза тургай уст - бошу исомая дастурингиз.

Ўргатармиш турк тилида ҳар илмдин борини,

Келгусида шу билимлар бирла бўлғай корингиз.

Ҳар ўқишнинг маъносига тез тушунсангиз агар,

Яхши муллолар каби борар рафторингиз”.²

Мирзо Хайрулло ўзи очган мактабда фаат ўғил болаларга билим бериш билан чекланиб қолмайди. У шароитнинг оғирлигига қарамасдан, аввалига синглиси Сарапошшани саводли қилиб, сўнг унга ўзбек қизларини ўқитиш учун мактаб очиб беради.бу ҳақда Мирзо Хайруллонинг турмуш ўртоғи Каромат ая шундай ҳикоя қилади: “Мен келин бўлиб тушган (1913-1914 йй.) йиллар эди. Сарапошша уйда мактаб очиб отинбувилик қилар эди. Кечалари домилладан (Мирзодан) кўмак олар эди. Унинг янги усулдаги қизлар мактаби борлигидан акаси турли китоблар, маслаҳатлар берар, йўл - йўриқлар кўрсатар эди”.³

Ҳамза билан ҳамкорликда иш олиб борган Мирзо Хайрулло ҳам ўзбек болалари учун дарсликлар ёзган ва турли тиллардан асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Унинг дарслик ва таржима асарлари жумласига “Тухфатул атфол”, “Раҳбарул тадирис” (1913 й.) “Раҳбари алифбо” (1914 й.), “Турки аввали илм”, “Имон рисоласи”, “Ихтиёрат қамар”, “Маҳдаи фани нужум” (1916 й.) каби китобларини киритиш мумкин. Мирзонинг бу асарлари бошланғич синфларга мўлжалланган бўлиб, дарс жараёнида ахлоқий тарбияни панд - насиҳат ёки савол - жавоб йўли билан амалга оширишга хизмат этарди. Шу билан бирга, Мирзо Хайрулло яратган дарсликларда ўқитувчига услубий кўрсатмалар ҳам берилиб борилган.

XIX асрнинг охирида Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг мактабларига ўхшаган мактаблар Туркистон ўлкасининг бошқа жойларида ҳам очила бошлади. Бундай мактаблар жумласига самарқандлик Абдуқодир Шакурий ва Саидахмад Сиддиқийлар очган

¹ А.А.Бобохонов. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан.-Т.:Ўқитувчи, 1967, 124-бет.

² Анбар Отин. Шеърлар. Ғ.Ғулом нашриёти.-Т., 1970, 24-бет.

³ Р.Ҳолиқов. Мирзо Хайрулло Қўқондийнинг педагогик қарашлари.-Т., 1972, 53-бет.

мактабларни киритса бўлади.

“Таржимон” газетаси, А.Шакурий томонидан Самарқанддаги рус гимназиясида таълим - тарбия жараёнининг ўрганилиши ҳамда Қўқон шаҳридаги бир татар ўқитувчисининг янги усулдаги мактаб очиши ўз навбатида Шакурийни ҳам ўзбек ва тожик болалари учун мактаб очишга даъват этади. Шундан сўнг А.Шакурий 1901 йилнинг кузида ўз қишлоғи Ражабаминда янги усулдаги мактаб ташкил қилади. Дастлабки пайтлар у татар тилида ёзилган дарсликлардан фойдаланилади.

Шакурий очган мактабда Қуръони карим сураларидан ташкил топган “Хуфтияк” асосий ўқиш китобларидан бири эди. Шу билан бирга, унинг макабида араб тили қоидалари ва алифбосига ҳам катта эътибор бериларди.

Шакурий мактабида ўқувчилар сўз бўғинлари билан таништирилиб борилиши билан бир қаторда бу бўғинларни ўз дафтарига ёзишар, кейин бўғинларга ҳарфларга ажратишар ва ҳарфлардан янги бўғинлар тузишар эдилар. Шу асосда бола 5-6 ой мобайнида ўқиш ва ёзишни мукаммал ўрганиб оларди.

Абдулқодир Шакурий ўз ўқувчиларини йилига бир марта имтиҳон қилар эди. Шакурий оладиган имтиҳонларнинг афзаллиги шунда эдики, бу имтиҳонларга ўқувчиларнинг ота - оналари ҳам иштирок этишар ва болаларнинг ўз ота - оналари олдида олган билимларини намоёйиш этишарди. Бу ҳақда педагогнинг ўзи шундай деб ёзади: “Бир куни шаҳарнинг кўзга кўринган уламо, агниё ва аъёнларини ҳамда ўқувчиларнинг оталарини болаларнинг олти ойлик ўқиши бўйича ўтказилган имтиҳонга даъват этдим. Булар олдида ўқувчилар мактабда олган олти ойлик билимларини имтиҳон бердилар. Одамлар бу ўқитиш усулининг афзалликларини кўриб, мендан мамнун бўлдилар. Имтиҳондан сўнг одамларнинг қалбида мактабга нисбатан муҳаббат пайдо бўлиб, чеҳралари очилди”.¹

Шакурий болаларнинг ёшлик хусусиятларига мувофиқ келувчи ахлоқ, одоб ва турмуш қоидаларини ўз ичига олган дарсликлар яратади. Унинг бундай дарсликлари қаторига “Раҳнамои савод” ва “Алифбе таълими” дарсликларини киритиш мумкин. Бу дарсликларида Шакурий ўқувчиларни араб ёзувининг қоидалари билан таништириб боради ҳамда ҳар бир дарс учун кичик текстлар бериб, улар орқали болаларга ўқиш жараёнида ҳаётий зарур билимлардан сабоқ бериб боради. Юқорида айтиб ўтилган дарсликларда алифбе қисми билан бирга хрестоматия қисми ҳам мавжуд эди. Хрестоматия содда, шеърлардан иборат эди.

Шакурий томонидан ёзилган “Жамеул-ҳикоят” ва “Зубдатул атвор” китоблари тожик болалари учун мўлжалланган бўлиб, бу асарлардаги асосий ғоя ўқувчиларнинг олган билимларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, уларда шарқ поэзиясини ўрганишга ҳавас уйғотиш ва уларни классик адабиёт намуналари билан таништиришга қаратилган эди.

Шу билан бирга, Шакурий ўз мактабида меҳнат дарсини киритиб, ўз ўқувчиларини деҳқончилик ва боғдорчиликнинг илғор усуллари билан ҳам таништириб боради.

Хунарманд оиласида туғилган Саидахмад Сиддиқий 1903 йилга келиб ўз туғилиб ўсган қишлоғи Ҳалвойида деҳқон ва хунарманд болалари учун мактаб очади. Бундан ташқари у катта ёшлиларни саводини чиқариш учун 30 кишилик

¹М.Фаттоев. Атоқли педагоглариимиз. -Т.: Ўқитувчи, 1965, 13-бет.

кечки курс ҳам очади. Саидахмад Сиддиқий ўз мактабида дарсларни қатъий жадвал асосида ўтказар, яъни бир куни рус тили, арифметика, жуғрофия, тарих, табиат фанларидан дарс ўтказса, иккинчи бу дарсларнинг ўтиш ўрнини навбат билан алмаштирар эди. Сиддиқий ташкил этган мактабда ўзбек тили ҳам ўрганиларди. Бундан ташқри Сиддиқий табиат дарсларини асосан экскурсиялар орқали ўтарди. Сиддиқий ташкил этган мактабда ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга алоҳида эътибор бериларди, ўқувчиларга уй вазифалари берилмай, болалар дарсдан кейин машғулот ўтказишарди.

Шундай бўлишишаг карамай, С. Сиддиқий ҳам Ҳ.Ҳ.Ниёзий , А.Шакурий сингари педагоглар сафига кирар эди ва рус адабиёти ҳамда Россия маданиятига оид билимлар бериб, уларни коммунистик руҳида тарбиялашга қаратилган эди.

Албатта XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошларида фаолият кўрсатган педагогларимиз орасида ўзлигимизни англаш учун кураш олиб борган, ҳақиқий ватанпарвар зиёлилар ҳам мавжуд эди. Бундай зиёлилар жади́дчилик оқими остида бирлашиб, маҳаллий миллат болаларига тамоман мос келадиган “Усули савтия” мактабларини юзага келтиришди.

ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Туркистондаги жади́д (жади́д сўзи арабча “янги усул”, “янгилик” демакдир) мактабларининг юзага келиши машҳур қрим татар арбоби Исмоилбек Гаспирали номи билан бевосита боғлиқдир.

1851 йилда таваллуд топган Исмоилбек Гаспирали илғор демократик ғояларни мусулмончиликнинг диний асослари билан бирлаштириш йўлида қизғин кураш олиб борди. Туркий халқларнинг миллий мустақиллиги учун курашган Исмоилбек Гаспирали ўз навбатида жади́дчилик оқимининг асосчиси сифатида дунёга танилди. Кўп юртларда сафарда бўлган Исмоилбек Гаспирали халқ тараққиёти биринчи навбатда маорифга боғлиқ эканлигини англаб етиб, жамиятдаги туб ўзгаришларни амалга оширишни янги усулдаги мактаб тузишдан бошлади. Гаспирали томонидан очилган янги усулдаги мактаб тез орада шуҳрат қозонди. Жади́д мактабларининг оммавий тус олишига асосий сабаб И.Гаспирали томонидан 1883 йилдан бошлаб нашр этила бошланган “Таржимон” газетаси бўлди. Шу билан бирга Исмоилбек Гаспирали ўзи ташкил мактаб учун бир қатор дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳам яратди. Унинг янги усулдаги мактаб ҳаётига бағишланган асарлари жумласига “Ҳужаи Субёна”, “Қирсати турки”, “Раҳабари муаллимин” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларини киритса бўлади. Гаспиралининг ушбу асарлари ўқув жараёнини ташкил этиш, дарсликларга қўйиладиган талаблар, мусулмон ўқув адабиётида қўлланиладиган дидактик ва методик кўрсатмалар билан жади́д мактаблари тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

И.Гаспирали бошқа туркий халқлар қатори ўзбек миллатидаги ижтимоий фикрлар тараққиёти, ва шу жумладан, ҳақиқий ватанпарвар ўзбек зиёлилари, педагогларининг камол топишида ҳам ўчмас из қолдирди.

У 1893 йилда Бухоро хони Абдуллахонга Туркистонда янги усул мактабини очилишга ёрдам бериш учун мукрожаат этади. Аммо унинг таклифи дастлаб инкор этилади. Шундан сўнг Гаспирали ўз мақсадига эришиш учун қозон татар

зиёлиларидан мадад сўрайди. Ва ниҳоят, 1897 йилга бориб унга Туркистон ўлкасида янги усулдаги мактаб очишга рухсат ерилади.

Тўласинча миллий руҳда суғорилган жадид мактаблари маҳаллий халққа манзур бўлади ва тез орада бундай мактаблар Мунаввар Қори, Маннон Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Салоҳиддин домла, Шамсиддин домла, Мулла Жўрабой, Мирзо Абдулвоҳид, Мулла Икром каби маҳаллий зиёлилар томонидан ҳам очилади.

Гаспиралининг тараққийпарвар ғоялари асосида юртимизда жадид мактабларига асос солган зиёлилар ўлкадаги миллий - озодлик ҳаракатининг ҳам раҳнамоларига айланади. Ўзбек жадидларининг сиёсий курашлари шу даражага бориб етадики, ҳатто уларга қарши ҳар бир ҳатти - ҳаракатни ҳам сиёсий баҳоловчи полиция иш қўзғайди. Юқоридаги фикримизни тарих фанлари номзоди Ҳамдам Содиқовнинг мақоласи ҳам исботлаши мумкин. Ҳ.Содиқовнинг ёзишича, 1906 йилнинг баҳорида Франция бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан Туркистонга келган майор Лякоста ҳам ўша даврда мавжуд бўлган барча фирқа ва ташкилотлар орасида энг эътиборли ва келажаги порлоқ деб, айнан ўзбек жадидларни тилга олади.¹

Туркистон ўлкасида ашаддий миллий озодлик ҳаракатининг тарғиботчиси Мунаввар Қори Абдурашидхонов эди.

1878 йилда Тошкентда мударрис оиласида дунёга келган Мунаввар Қори аввалига Тошкентдаги “Юнусхон” ва кейинчалик Бухородаги олий мадрасада таҳсил олиб, Исмоилбек Гаспирали таъсири остида янги усул мактаблари барпо қилиш йўлида иш бошлайди. Шу муносабат билан 1907 йилда у янги усулдаги мактаб очиб, шу мактабда 5 йиллик бошланғич таълимни 3 йилдаёқ амалга оширади. Мунаввар Қори ҳам бошқа ўзбек зиёлилари қатори янги усул мактаби учун дарсликлар яратади. Унинг бундай дарсликлари жумласига “Адаби аввал” ва “Адаби соний” китобларини киритиш мумкин.

Мунаввар Қори ўз сиёсий қарашларини жадид Исмоил Обид билан ҳамкорликда 1906 йилда чиқара бошлаган “Тараққий” газетасида ҳамда “Тараққийпарвар” фирқаси фаолиятида ифода этади.

Жадидлар ўзларининг сиёсий қарашлари жиҳатидан 1917 йилги Октябрь инқилобидан сўнг икки тарафга бўлиниб кетишади. Бир тоифа жадидлар (Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Эсон Мусаев, Шорасул Зуннун ва бошқалар) ўз ғояларида қатъий туришган бўлса, бошқа бир тоифа жадидлар эса (масалан А.Авлоний) кейинчалик пролетар инқилоби тарафдорлари сафига қўшилиб кетади.

XX асрнинг бошларида ўзбек педагогикаси тараққиётига саломқли ҳисса қўшган педагогларимиздан бири Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари турли хил ғоялар ўртасида курашлар билан ўтади. Дастлабки жадидчилик оқиминингқўзга кўринган намоёндаларидан ҳисобланган А.Авлоний замон зайлига қараб иш кўриб, октябрь инқилоби тарафдорлари томонига ўтиб кетади. Шундай бўлса - да, у ўзбек педагогикасида муҳим ўрин эгаллайди.

А.Авлоний 1906 йилдаёқ Миробид маҳалласида янги усулдаги мактаб очади. унинг бу мактабида диний билимлар билан бир қаторда бир қатор амалий

¹ Ҳ.содиқов. Алоҳида хавфли шахс. “Туркистон” газетаси, 1992 й, 17-октябрь.

фанлардан ҳам сабоқ бериларди. А.Авлоний болаларнинг ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор беради ва шу сабабдан ўз мактабида “ахлоқ” дарсини ўта бошлайди. Авлоний Туркистон мактабларида ахлоқ - одоб тўғрисидаги билимлар берилиши лозимлигини қуйидагича тушунтиради: “... Туркистон мактабларида ўз шевамизда ёзилиши мукаммал “ахлоқ” китобининг йўқлиги офроди миллатининг шундай бир асарга ташна ва муҳтож эканлиги ўзим муаллимлар жумласидан бўлганлигимдан манга ҳам очиқ маълум бўлди. Шунинг учун кўп вақтлар тажриба сўнгидан адиби мухтарам шайх Саъдий усулида ёзмоқни, гарчи оғир иш бўлса - да ўзимга муқаддас бир вазифа адо қилароқ ва бу камчиликни ородин кўтармакни муносиб кўрдим”.¹

Педагог мактабларда “ахлоқ” дарсларини ташкил қилишни ўз зиммасига олган ҳолда, 1913 йилда “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли таълим - тарбия масалаларини чуқур баён қилувчи асар яратади. Унинг бу асарида хулқига қараб кишиларнинг иккига бўлинишлари (“яхши хулқ” ва “ёмон хулқ”), тарбия турлари, тарбияни тўғри ташкил этиш ва бошқа қимматбаҳо фикрлар берилган. Жумладан, А.Авлоний тарбия сарлавҳаси остида тарбия турларига алоҳида тўхталиб, тарбияни тўрт турга бўлади: тарбиянинг замони; бадан тарбияси; фикр тарбияси (ақлий тарбия); ахлоқ тарбияси.

Абдулла Авлоний томонидан тарбиянинг юқоридаги тартибда аниқланиши уни болаларга хос хусусиятлардан чуқур хабардор эканлигидан дарак беради. У “Тарбиянинг замони” мавзусидаги болаларга туғилган кунидан бошлаб тарбия бериш зарурлигини ҳамда тарбияни тўғри ташкил қилиш учун тарбиячи, ота - она, муаллимларнинг ўзлари ҳам тарбияланган кишилар бўлиши лозимлигини қайд қилиб ўтади. “Бадан тарбияси” мавзусида инсоннинг саломат бўлиши учун ҳамиша бадан тарбияси зарурлигини кўрсатиб, “... ўқимоқ, ўқитмоқ ва ўрганмоқ учун инсонга кучлик касалсиз жасад лозимдур”, - дейди. Қолган икки - ақлий ва ахлоқий тарбия мавзуларида эса А.Авлоний ўқитишда таълим - тарбиянинг бирлигига, тарбияда эса ўқитувчиларнинг ибрат - намунасига аҳамият бериш шартлигини таъкидлаб ўтади.²

А.Авлоний ҳам ўша даврий фаолият кўрсатган бошқа зиёлилар қатори ташкил қилган мактаблари учун дарсликлар ҳам ёзади. Унинг “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим” каби дарсликлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари А.Авлоний ўз замондошлари орасида педагогика фанини биринчи бўлиб тилга олган ва ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида педагогика “Педагогика” - бола тарбиясининг фани демакдир, деб тўғри таъриф бера олган буюк педагог ҳамдир. Шу жиҳатдан ҳам уни ўзбек педагогикаси тараққиётини юқори босқичга кўтарган олимлар қаторига киритса бўлади.

Жадидлар орасида дастлабки пайтларда совет ҳокимиятига ҳайрихоҳ бўлиб, лекин тез орада ўзларининг бу ҳокимият тўғридаги фикрлари хатолигига иқроор бўлишиб, тўғри йўлга кириб олган зиёлилар ҳам мавжуд эди. Бундай зиёлиларга Хўжа Хоний, Ҳасан Қори, Салимхон Тиллахоний, Мир Гейдиларни киритиш мумкин.

¹ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи, 1967, 72-бет.

² А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи, 1967, 28-бет.

Жадидларнинг аксарияти эса миллатимиз равнақини бошқа туркий халқлар маданияти ва маорифи йўлидан боришда деб билишарди. Бундай жадидлар мисолида бевосита Туркия билан алоқада бўлган тошкентлик зиёли Эсон Мусаев фаолиятига тўхталиб ўтсак арзийди.

Тошкентдаги “Каллахона” мадрасасини аъло даражада битирган Эсон Мусаев ўзининг педагогик фаолиятини эски мактабда, рус - тузем мактабида тил, адабиёт, тарих, жуғрофия фанларидан дарс беришдан бошлайди. Аммо бу мактаблардан бири замон талабига ва иккинчиси миллийликка мувофиқ келмаслигини англаб етган Э.Мусаев 1909 йилга бориб ўз ҳовлисида жадид мактаби очади. У ўз мактабига Туркиядаги мактабларининг таълим тизимини олиб киришни мақсад қилиб, 1911 йилда Истамбул шаҳрига келиб, у ердаги университетга тил - адабиёт, тарих - жуғрофия мутахассислиги бўйича ўқишга киради. 1916 йилда эса университетни тугатган Эсон Мусаев Туркияда ишга олиб қолишади. У Истамбул университетида тил тарихи ва қадимги туркий халқ оғзаки адабиёти - фольклордан дарс бера бошлайди. 1920 йили унга “афанди” илмий даражаси берилади. 1922 йил у Тешкентга қайтиб келади ва дастлабки йиллар педагогика техникумида, кейинчалик эса Ўзбек миллий бош кутубхонасида ишлайди. 1928 йилда Э.Мусаевни аксининкилоб сифатида қамашади ва 1938 йилда собиқ Иттифоқ суди уни отувга ҳукм қилади.

Эсон Мусаев ўз ғояларида ҳамиша содиқ қолади ва у қаерда ўқитувчи бўлиб ишлаган бўлса, ўша ердаги ўқув жараёнини Туркияда олган тажрибалари асосида ташкил этишга ҳаракат қилади. Шу боисдан ҳам қамокқа келтирилган Эсон Мусаев Маврининг “Туркия мактаб тизими ва таълим жараёни қандай эди? Нима мақсадда улар маорифини бу ерга тадбиқ этмоқчи бўлдинг?” тарзида берган саволига “Туркияда бошланғич таълим текин ва 5 йилликдир. “Султония” мактаби икки босқичли бўлиб, унда тил, адабиёт, ахлоқ, миллий эътиқод, жуғрофия ва риёзиёт ўқитилади. Бунда 186 талаба таҳсил олади. Тушунмаган тема ва мавзулари, жумбоқларни сўрашади, муаллимлар талабага изоҳ бериб, тушунтиради. Шу сабабли мен Туркияда ўрганиб келган маориф тизими, миллий мактаб таълимини ўз юртимда қўллашга киришдим. Ўша Туркияда ўқиб юрган онларимдаёқ Туркистонда жадид мактабларини очиб, уларни миллийлаштиришни режалаштирган эдим”, - деб жавоб беради.¹

Жадидлар тузган мактаблар табиий шароити, жиҳозланиши, катта - кичиклиги билан бир - биридан тубдан фарқ қилса - да, уларда асосан бир хилдаги фанлар ўқитилар, бу мактабларнинг барчасидаги ўқув жараёни И.Гаспирали тарғиб этган илғор демократик ғоялар ва мусулмончилиқни диний асосларини биргаликда ўргатилиши асосида амалга оширилар эди. Ушбу мактабларнинг ўқитувчилари олдида қўйиладиган вазифа нафақат ўқувчиларга билим бериш бўлмай, балки уларда ҳаётий фикрлаш, қизиқиш уйғотиш, уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўқувчиларни миллийлик руҳида тарбилаш ҳам эди.

Жадидлар тузган мактабларда аҳолига илмий - оммабоп билим бериш муҳим педагогик вазифа ҳисобланар эди. Шу билан бирга бу мактаблардаги билимлар содда ва тушунарли ҳолда ифода этиларди. Бу мактабларда диний билимлар билан бирга ҳаётда энг зарур бўладиган илмий билимлар, яъни она тили, риёзиёт,

¹Ҳайдарали Узоқов, Ислонжон Турсунов. Қуюн қуршовидаги нур. “Маърифат” газеаси, 1992, 11-апрель

жуғрофия фани асосан ўлкашунослик материаллари асосида ўрганиларди. Болалар интизомига жаид мактабларида алоҳида эътибор берилар, болаларга таълим - тарбия беришда диннинг тарбиявий аҳамиятидан самарали фойдаланилар эди. Катта моддий қийинчиликларга қарамасдан иқтидорли болалар тахсил олиш учун чет элларга юбориларди.

Ўзбек жаидларининг атоқли намоёндаларидан бири бўлган Маҳмудж\хўжа Бехбудий ўзининг “Усули жаид чигуне аст?” номли мақоласида янги усул мактабидаги таълим мазмунини қуйидагича таърилайди: “Усули жаид мактаби болаларга бошқа усулдаги таълим беради. Бу усулни жаноб Исмоилбек Русия мусулмонлари орасига тарқатди. Бу усулдаги мактаб савтия, яъни янги усулдаги бошланғич мактабдир. Бу мактабнинг натижаси болалар зудлик билан ўқиш ва ёзишни ўрганадилар, улар нимаики ўқисалар, унинг маъносини тушнадилар. Ўқувчилар ўқиганларидан лаззатланадилар”. (М.Бехбудий “Усули жаид чигуне аст?” Бухорои шариф, № 139, 1912 й., 28-ноябрь.)¹

Жаидларнинг яна бир муҳим фазилати шундаки, уларнинг кўпчилиги таълим мазмунига янгича ёндашган ҳолда ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишган ва ушбу асарлари орқали ўз уйларида мактаблар очиб, болаларга таълим-тарбия беришган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларнинг XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келган Туркистон ўлкасидаги мактаблар тараққиёти тарихига оид билимларга эга бўлишлари, ўз навбатида уларнинг бўлғуси педагогик фаолиятларига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Булажак ўқитувчиларимиз ўтган асрнинг охири ва асримиз бошларида вужудга келган барча типдаги ўқув муассасаларининг ўқув жараёнинг ташкил этилиш йўллари ва ўқитиш услубларига танқидий ёндашган ҳолда уларнинг ўз фаолиятларида самарали фойдаланишлари мумкин. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг ўзаро мулоқатларида учраб турадиган салбий ҳолатлар, болаларнинг индивидуал хусусиятларига ўқитувчилар томонидан етарлича эътибор қаратилаётмаганлиги ва умуман замонавий мактабларда тартиб-интизомнинг жуда сусайиб кетганлиги худди гимназия ва семинарияларда бўлгани каби болаларга педагогик ва руҳшунослик фанларини бирга қўшиб ўргатишни тақозо этмоқда. Бундан ташқари бўлажак ўқитувчиларни етиштириб чиқараётган олий ўқув юртларимиз, педагогика билим юртларимизда ҳам педагогика ва руҳшунослик фанларига ажратилган соатлар миқдорини янада ошириш ҳамда иложи борица бу икки фанни бирга қўшиб ўқитиш лозимдир.

Гимназия ва семинариялардаги ўқув жараёнининг қатъий бир режим асосида олиб борилиши ва бу ўқув муассасаларида болаларнинг саломатлигига алоҳида эътибор берилиши (ҳар уни синф хоналарини шамоллатиб турилиши ва ўқувчилар ҳамиша врач назорати остида бўлишлари) ўтган асрнинг охири ва асримиз бошларида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатган эди. Ўз навбатида болалар саломатлиги учун санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиш ва ўқувчиларнинг маълум бир режим асосида иш олиб боришлари ҳозирги мактаблар учун ҳам жуда муҳимдир.

“Усули қадимийлар” ёқлаб чиққан эскича ўқитиш мактабларидан ҳам ҳозирги

¹Камол Ҳазратий. Зулмга адоват. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993, 15-январь.

давримиз учун прогрессив бўлган ғояларни олса бўлади. Булардан бири ўқитишда қатъийлик принципига риоя қилишдир. Эски мактабларда бола бирор билимни мукаммал ўрганиб олмагунча синфдан-синфга кўчирилмас эди.

Эскича ўқитишда бўлгани каби ўқув жараёнида қатъийлик принципнинг йўлга қўйилиши замонавий мактабларимиз учун ҳам жуда зарурдир, чунки, ўзлаштирмовчи ўқувчи талабаларни зўрма-зўраки синфдан -синфга, курсдан-курсга кўчириш орқали ҳозирги давр ўқитувчиларининг ҳам, ўқувчиларининг ҳам йилдан-йилга билим савиялари пасайиб бормоқда.

Жадид мактабларида амалага оширилган таълим-тарбия ишлари миллий мактабимизни яратиш ва унда педагогик фаолият билан шуғулланишда бўлажак ўқитувчиларимиз учун дастурамал вазифасини ўташи мумкин.

Ўйлаймизки, худди жадид мактабларида бўлгани каби, замонавий мактабларимизда дунёвий фанлар билан биргаликда ислом динининг асосларини ҳам ўргатишни йўлга қўйиш, ўқувчиларга таълим-тарбия беришда жадидлар илгари сурган ғоялар — миллий-маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз, халқ педагогикасига таяниб иш кўриш, болаларнинг қизиқиш ва лаёқатларини ўрганиб, уларга содда ва тушунарли бўлган билимлар бериш, болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мослаштириш, ўқитишда кўргазмаликка ва табиатга бўладиган экскурсияларга таяниб иш кўриш, иқтидорли болаларни танлаб олиб, уларга қўшимча равишда билимлар бериб бориш, миллийлигимизни акс эттирувчи дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш бўлажак ўқитувчига самарали педагогик фаолият кўрсатишда катта ёрдам беради.

Фойдаланиш учун тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992, 46 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997, 63 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1993, 216 б.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994, 160 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда.-Т.: Ўзбекистон, 1999,48б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон келажиги буюк давлат -Т.: Ўзбекистон, 1992,62б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон 1997, 324 б.
8. Абдуллаев И. Эски мактабда хат савод ўргатиш.-Т.: “Фан”, 1960.
9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: “Ўқитувчи”, 1992
10. Абдулла Авлоний. Биринчи муаллим. - Т.: 1912
- 11.Абдулла Авлоний. Иккинчи муаллим. - Т.: 1912
- 12.Абдулла Авлоний. Тарих. - Т.: 1916.
- 13.Абдурашидхонов М. Ўқиш учун биринчи ва иккинчи китоб. - Т.: 1910
- 14.Абдухолиқ Усмон Қори. Таҳсил-ул-тажнид. -Қўқон.:1911
- 15.Бобохонов А., Махсумов М. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти. - Т.: “Ўқитувчи” 1967
- 16.М.Бехбудий. Китоб-ул-атфол.-Самарқанд. 1903.
- 17.М.Бехбудий. Мухтасари тарихи ислом. -Самарқанд. 1904.
- 18.Мирзо Хайрулло. Мифотах-ул-алифбо. -Қўқон. 1914.
- 19.Миртусунов З.Ф. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари.-Т.: “Ўқитувчи”, 1961.
- 20.Мулла Абдулваҳоб Ибодий. Таҳсил-ул-алифбо.-Қўқон, 1912.
- 21.Муҳаммаджон Қори Раҳмон. Ўқиш китоби.-Т., 1912.
- 22.Саидазизов С. Устои аввал.-Т., 1902.
- 23.Собиров М. Фурқатнинг мактаб ва маориф ҳақидаги фикрлари.-Т.: “Ўқитувчи”, 1961.
- 24.Фаттоев М. Атоқли педагоглариимиз.-Т. “Ўқитувчи”, 1965.
- 25.Усмонов М. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари.-Т.: “Фан”, 1968.
- 26.Холиқов Р. Мирзо Хайрулло Хукандийнинг педагогик қарашлари.-Т.: “Ўзбекистон”, 1972.
- 27.Ўзбегим. -Т., Ватан серияси., 1992.
- 28.Ғаниев А. Садриддин Айнийнинг педагогик фаолияти.-Т.: “Ўқитувчи”, 1965
- 29.Ғуломова М.О. Ўзбек зиёлиларининг камолоти.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.